

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 169 (5760)

26 июль 1985 й.

ЖУМА

Газета 1986 йил 1 июлда чиқа бошлаган. Баҳоқс 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАХАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАХАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



ЗАФАРЛАРИМИЗ СЕНГА, ЖОНАЖОН ПАРТИЯ!

МУРАББИЙЛАР БОШЧИЛИГИДА

«Матбуот», полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги 3-босма хонаси Юнусовда мас-сивда жойлашган бўлиб, унинг ишга тушганига уч йил бўлди. Бу босмахо-нада бадиий асарлар ва бир қанча журналлар чоп этилади. Босмахо-нада полиграфия соҳасида кўп йиллик меҳнат ста-жига эга бўлган отахо-лар ишлашиб, ёшларга мураббийлик қилишмоқ-да. Айниқса Ортиқ ака Қосимов ва Сайфулла ака Юсуповлар хизма-тидан кўпчилик миннат-дор.

Уларнинг бу соҳада ишлаб келаётганлиқари-га 50 йилдан ошди. Ёшларга ўз касбларини ўргатиш ва тарбиялаш, уларни тошмирланган ва-зифани ўз вақтида, са-фатли қилиб адо этиш учун яқиндан ёрдам бе-риб келишмоқдалар. Бу отахонлар А. Тўчи-ев, Э. Еллагонов, У. Юсу-пов, Т. Умаров каби ёш-ларга мураббийлик қи-лишиб, касб сирларини ўргатишди. Ҳозир бу йиллар кунлик иш нор-маларини 120—130 про-цент қилиб адо этишмоқ-да ва КПССнинг XXVII съездида ўзларининг му-носиб меҳнат ютуқларини таъкирлашга ҳаракат қилмоқдалар.

В. ТОШМЕТОВ, ишчи.

ТУРЛИ ХИЛ КИЙИМ-КЕЧАК

Тошкентдаги «Мали-ка» трикотаж бирлаш-масининг технологияси диниясида олти хил ил-ги маҳсулот тикиб чи-қариш ўлаштирилди. Булар — тўр полотно, дан эркаклар ва бола-лар жемперлари, болл-эфир қўшилган нидан хотин-қизлар қўйлак-лари, «марлевка»дан костюмдир. Бу кийим-кечакнинг ҳаммаси «Перспектива» деган фирма магазинига юбо-рилади, бу ерда уларга харидорлар баҳо бе-ради. «Малика» 1986 йилда 180 хил кийим-кечак намунасини сав-дога чиқариш ниятида-дир.

ЛАГЕРДАН—ЗАВОДГА

«Кутуб ол, завод!» 8-мкстаб ҳузуридаги «Факел» меҳнат ва дам олиш лагеридан юзга яқин бола махсус кор-жомаларни кийиб, Сер-гели металл конструк-циялар экспериментал заводи томон шовш-ла-ди. Иш вақти бор-йўри тўрт соатдан иборат. Бироқ болалар шу вақт ичида кўпгина ишни бажаришга улгуринди: тўққизинчи синф ўқувчиси Володя Ма-гай токарлик станочи-да ишлагани ўрганиб олди, саккизинчи синф ўқувчиси Шухрат Ино-мов қозон йиғувчилар-га қўмақлашмоқда. Оталиқ ташиқотидаги-лар болаларни ишга жалб қила олишди, уларга ишчи касбини-ўргатишди. Завод ав-тобуси мактаб ўқувчи-лари ихтиёрига бериб қўйилган. У болаларни ишдан кейин лагерга олиб қўйди, эрталаб эса уларни заводга олиб келади.

КОРХОНА СОВҒАСИ

И. Охунбобова номли бош кийимлар фабрика-сида XII жаҳон ёшлари ва студентлари фестива-лига атоб 4 моделдаги бош кийимдан тўрт мингта ишлаб чиқариш-ди. Бу бош кийимлар-нинг учтаси эркаклар ва биттиси аёллар учун

аталган панамадир. Бу бош кийимлар Ветани-миз пойтахти Москвада-да XII жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалига тайёрларлик кўраётган бадиий совет томонидан I даражали диплом би-лан тақдирланди. Июнь ойида спортчиларимиз

700 нафар бош кийим билан Москвага йўл ол-дилар. Шу кунларда фабри-када 80 га яқин модел-да бош кийимлар ишлаб чиқаришмоқда. 20 дан ортиқ эгиз мавсумий бош кийимлардир. Ярим йиллик реализация пла-ни 101,3 процент қилиб адо этилди. Пандаги 5 миллион 850 минг сўм ўрнига 5 миллион 929 минг сўмлик бош кийим реализация қилинди.

КПСС XXVII съездида 27 зәрдор декорларда Галина Кухарч ва Ха-лима Зоевва бригаде-лари актив қатнашиб, съездга муносиб совға тайёрлашмоқдалар. Улар факат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун жон куйдирмоқдалар. Шю-рлар илгорлик бўлган бу бригада аъзолари «Ком-мунистик меҳнат брига-даси» деган номни оқлаб келмоқдалар.

Х. ИНОҒОМОВ.

япти. Бригада йил да-вомидида 35 тонна ме-талли текашга аҳд қил-ган эди. Январь ойи-дан буйи 21 тоннадан кўпроқ металл текаш-ди. Бунга эса пўлатни авайлаб ва оқилона би-чиш ҳисобига эришил-ди. Улар бир қанча за-готовканини қайчида қирқмасдан, прессда тайёрлашни таклиф этишди. Бригадада ме-талл чиқитларидан ту-ла фойдаланадиган бў-лишди. Бу чиқитлар-дан ҳозир эллик хилга яқин майда деталь тай-ёрланмоқда. Бригада текашдан хом ашё ҳи-собига бир кун ишлаб, шу кунги маошини Тинч-лик фондида ўтказди. Биринчи ярим йил-лик якунларига кўра Н. Сафаров бошчи қол-лектив «Союзмашлоп-ководство» бирлашма-сида энг яхши бригада деб топилганидан ҳеч ким ажабланмади.

Г. ВАЛИЕВ.

КПСС Марказий Коми-тети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министр-лар Совети Куба республи-касининг революцион байра-ми—Миллий қўзғолон кун-и муносабати билан Куба Коммунистик партияси Мар-казий Комитетининг Бирин-чи секретари, Куба Респу-бликаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раис-и Фидель Кастро Русга те-леграмма йўллаб, Куба Ком-мунистик партияси Марка-

зий Комитетига, республика Давлат Кенгаши ва Минис-трлар Советига, бутун Куба халқига самимий қутловлар ва қизгин қардошлик салом-тоширдилар. ● СССР Министрлар Со-ветининг 24 июль кунини бўлиб ўтган мажлисида 1985 йил-нинг биринчи ярмида СССР-ни иқтисодий ва социал ри-вожлантириш Давлат плани билан СССР Давлат бюдже-тининг бажарилиш якунлари кўриб чиқилди. СССР Ми-нистрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. К. Байбаков ва

СССР молия министрининг биринчи ўринбосари В. В. Демешев шу масалалар юзасидан доклад қилдилар. СССР Министрлар Со-вети барча ҳўжалик органла-рининг диққат-этиборини беш йилликнинг якунлари билан планларини бажариш ни партия XXVII съезди-га тайёрларлик ишлари билан уйғунлаштиришга қаратди. СССР Министрлар Со-ветининг мажлисида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзолари В. И. Воронников ва Н. И. Риж-ков қатнашдилар.

Мажлисида КПСС Марка-зий Комитети Сийёсий бю-росининг аъзоси, СССР Ми-нистрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов нутқ сўзла-ди. ● Совет Армияси Марказий ўинида 24 июль кунини Ёшлар ва студентларнинг XII жа-ҳон фестивалига келган СССР делегацияси клуби очилди. Совет Тайёргарлик коми-тетининг раиси, ВЛКСМ Марказий Комитетининг би-ринчи секретари В. Милин клубни очиб маросимида нутқ сўзлади.

ни ва бошқа тармоқларни комплекс механизациялаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чўзиш кетди. Айни вақтда ўнлаб ташиқлотлар (уларнинг кўпчилиги зарур экспериментал базага, ма-лакали кадрларга эга эмас) маҳ-камачилик манфаатларига амал қилиб, қўнунча ўла-рининг асосий вазифаларини бажаришга зарар етказган ҳолда пахта териш машина-ларини ишлаб чиқиш билан шугулланмоқдалар. Натижа-да янги туркум машинасини яратиш асосиз равишда чўзиб ёборилди. Қўнунча қишлоқ ҳўжалик машинала-рини зарур фундаментал пи-шиштиришлар ва назарий асослариз ишлаб чиқариш-да жорий этилмоқда, жид-дий конструкция нуқсонлари билан ишлаб чиқарилмоқда.

Қабул қилинган қарорда Президиум Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тар-моқ комплекс программаси ва аниқ-пухта шартнома му-носабатлари асосида қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги со-ҳасида илмий-тадиқот ва лойиҳа-конструкторлик таши-қлотлари фаолиятига раҳ-барлигини таъминлашни лозим бўлган ягона марказни таш-кил этиш борасидаги зарур тадбирларни амалга ошириш-ни таклиф этди, бу эса ечим-лар сифатини оширишга ҳам-да истеъмолчиларнинг талаб-хўшичларига мос келадиган техникани яратишга қўмақ-лашади.

Халқ депутатлари Совет-лари депутатларининг сайлов-чилар ҳузуридаги ҳисобот-ларини ташкил этишни ях-шилаш тўғрисидаги масала ҳамда . республика давлат ҳаётига оид бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқи-ди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Президиуми навбатдаги мажлисида республика халқ депутатлари Советларининг КПСС Марказий Комитети 1985 йил июль Пленуми йўл-йўриқларидан ва ўн би-ринчи қарорларидан келиб чи-қадиган вазифаларини муҳо-кама қилди.

Президиум КПСС Марка-зий Комитети Пленумининг жамиятимиз сийёсий систе-маси ҳар бир бўғини ўз зим-масига юкланган вазифани аниқ-пухта бажариш тўғри-сидаги талаблари асосида республика халқ депутатла-ри Советларининг иш дара-жасига баҳо бериб, ҳар бирча Советлар ҳам ўз вако-латларидан етарлиқ қатъият билан фойдаланмаётганли-гини, ўз территорияларининг иқтисодий ва социал-мада-ний ривожланиш планлари бажарилишини, саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чи-қариши самарадорлиги оши-рилишини, Озин-овқат про-граммаси тошйириқлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чи-қаришни кўпайтириш тадбир-лари сўзсиз рўёбга чиқари-лишини таъминламаганлиги-ни қайд этиб ўтди.

Ҳўжалик ва маданий қу-рилишнинг барча йўналиш-ларида Советларнинг фаол-лигини янада активлашти-риш, уларнинг раҳбарлик у-сулуби ва методларини тако-

миллаштириш, экономикани интенсификациялаш изига ўткази-шнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларига этиборни кучайтириш, бошқаришнинг, меҳнатини ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самара-ли формаларини жорий этиш, иқтисод ва тежамкорлик ре-жимига қатъий риоя этиш, давлат, план ва меҳнат ин-тизомини, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлаш му-ҳимлиги таъкидланди.

Советлар социал масала-ларини ҳал этишга, аҳолига маданий-маиший хизмат кў-рсатишнинг ҳар томонлама ях-шилашга, аҳоли ўртасида сий-сий тарбиянинг ва маданий-оммавий ишларни ўтказиш-га ҳам этиборни қаратиш-лари лозим.

Советлар КПСС Марказий Комитетининг июль Плену-ми ўртага қўйган вазифа-ларини муваффақиятли ҳал этиш мақсасида ўзлари эга бўлган ҳуқуқлардан, демо-кратик фаолият формалари-дан тўлиқроқ ва кенгроқ фой-даланишлари, депутатларнинг активлигини оширишлари, қабул қилинган қарорлар ва сайловчиларнинг талаб-лари йироқ этилиши устидан контролликни ташкил этиш борасидаги ишларни кучай-тиришлари, меҳнат коллек-тивларида КПСС XXVII съез-дининг муносиб кўтиб олиш учун социалистик мусобақа-ни янада кенг авж олдириш-га бутун чоралар билан қў-

маклашишлари керак.

Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Саноат ҳамда Фан ва техника доимий комиссия-ларининг «Республика илмий-тадиқот ва лойиҳа конструк-торлик ташиқлотларининг қишлоқ ҳўжалиги учун ян-ги техника яратиш соҳаси-даги иш тўғрисидаги ҳа-ти кўриб чиқилди. Респу-бликада қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш уни сер-уноқ машиналар билан таъ-минлаш борасида йиринг тад-бирлар амалга оширилаётган-лиги қайд этиб ўтилди. Шу билан бирга қолхоҳ ва сов-хозларда мавжуд бўлган ма-шиналар парки ҳали етарли-ча иқтисодий самара берма-япти. Қишлоқ ҳўжалигида меҳнат унумдорлигини ўсти-риш планлари бажарилма-япти, меҳнат сарфи ҳамки ю-юринг даражада. Бу кўп жи-ҳатдан машиналарни эксплу-атация қилиш, сақлаш, ре-монт қилишни ташкил этиш-даги камчиликлар билан, шу-нингдек қишлоқ ҳўжалик те-хникасини ишлаб чиқиш би-лан банд бўлган илмий-тад-қиқот ва лойиҳа-конструк-торлик ташиқлотларининг иш-ни паст даражада эканли-ги билан изоҳланади. Шу ташиқлотларнинг илдоравий тарқоқлигини, ишлатиш ноҳам-киҳатлиги, илмий-тадиқот-лар, машиналарни лойиҳа-лаш ва ишлаб чиқариш бў-йича ягона марказнинг йўқ-лиги оқибатида пахтачилик-

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ИЧКИ САҲИФАЛАРИДА

ТОШКЕНТ НАМУНАЛИ ТАРТИБДАГИ ШАҲАР БЎЛСИН

«Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария Қоидалари» лойиҳасини муҳокама қиламиз




Газетанинг шу йил 17 июнь сониди «Тош-кент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлашти-риш ва санитария қоидалари» лойиҳаси бо-силган эди. Ҳамшаҳарларимиз лойиҳани му-ҳокама этишда фаол қатнашмоқдалар. Шаҳар-ликлардан Тошкент шаҳар Совети ижроия ко-митетига, «Оқшом» редакцияларига таклиф-лар ва танқидий мулоҳазалар билдирилган юзлаб хатлар келипти.

Редакция почтаси шундан далолат берадики, газетхонлар республика пойтахтининг бугунги кунини ҳақида ҳам, эртанги кунини ҳақида ҳам қайғурмоқдалар. Улар ўз хатларида жамоат тартибига риоя этиш бўйича ижобий тажриба-ларини ўртоқлашмоқдалар, мамлакатнинг бош-қа шаҳарлари тажрибасини қўллашни мас-лаҳат бермоқдалар. Камчиликларни кўрсатиб, конкрет ижроичилардан тартиб ўрнатилишни талаб қилмоқдалар, шаҳарини намунали сақ-лаш учун мансбдор шахслар ва шаҳарликлар-нинг ўзларининг масъулиятини кучайтириш юзасидан таклифлар киритишяпти.

Газетанинг иккинчи саҳифасида эълон қили-наётган газетхонларнинг хатларида биз «Жа-моат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари» лойиҳасининг турли бўлим ва бақдлари ҳақида ҳамшаҳарларимизнинг фикр-ларини баён қилишга илтифот қилдик. Уларнинг ай-торлари — ишчилар, пенсионерлар, маҳаллий Советларнинг депутатлари, уй бекаларидир.

Газета саҳифаларида Қоидалар лойиҳасини муҳокама этиш давом этади. Сухбатга корхо-налар, ободонлаштириш бошқармаларининг раҳбарларини таклиф этамиз. Камчиликларни бартараф этиш учун қандай тадбирлар режа-лаштирилаётгани ва ҳамшаҳарларимизнинг ўз-лари транспортда, кўчаларда ва майдонларда жамоат тартиби қоидаларига қандай риоя эти-шаётгани тўғрисида уларнинг фикрларини би-лиш мақсадга мувофиқдир.



Яхши дам—меҳнатга ҳамдам

Меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқаришини янада яхшилайлик

Меҳнат кунидан сўнг, айниқса дам олиш кун-лари минглаб тошкент-ликлар истироҳат боғла-рига, маданият сарой-ларига, спорт базалари-га, шаҳардан ташқари-даги ҳордиқ зоналарига йўл оладилар. Соғлом, актив дам олиш кун-ку-ватни тез қайта тиклай-ди, навбатдаги меҳнат кунини яхши кайфият билан бошланади.

КПСС Марказий Коми-тетининг «Клуб муассас-салари ва спорт иншо-отларидан фойдаланиш-ни яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарорлари-ни бажара бориб, Ўзбе-кистон пойтахтида меҳ-наткашлар бўш вақтини ташкил этиш соҳасида кўпгина ишлар қилин-моқда. Деярлик ҳар бир йирик корхона, ўку-муассасаси ўз клубига, маданият саройига, спорт базасига, дам олиш зо-насига эга. Истироҳат боғларида турли аттрак-ционлар ишлаб турибди. Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги йутуқлари вис-твасининг дам олиш зонасида касб байрам-лари муносабати билан оммавий сайлларни таш-кил этиш ҳақида аниҳа бўлиб қолмоқда.

Бу жуда яхши. Шу би-лан бирга меҳнаткаш-лар бўш вақтини яхши-лаш, тақомиллаштириш соҳасида муаммолар ҳам бор. Истироҳат боғлари, маданият уйлари, со-ломлаштириш муассас-аларининг коллективлари бу соҳада талай иш-ларни амалга ошириш-лари мумкин. Тошкент-ликлар дам олишнинг ташкил этишда тўб бу-рилишга эришиш лозим. Улар партия ва ҳўкума-тимизнинг сўнгги қарор-лари талаб қилганидек, чинакамга оммавий, ки-зиқарли, соғлом ҳордиқ чиқаришлари лозим.

[Республика пой-тахти аҳолисининг дам олиш ва спорт билан шугулланишини ташкил этишга бағиш-ланган материалларни газетанинг учинчи са-ҳифасида ўқисиз].



БИЛАН ЎРНАДИЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинати-нинг Сергели районда жойлашган 16, 15, 21-ётоқхоналарда ёшлар ва студент-ларнинг жаҳон XII фестивалига бағиш-лаб «Салют, фестивал!» учрашуви бў-либ ўтди. Унда аялалқ фестивалларнинг қатнашчиларидан бири З. Б. Турсунова қатнашиб, ёшларга ўша халқонли уч-рашулар ҳақида гапириб берди.

ОБ-ҲАВО

● Вугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 29 даража иссиқ бўлди. Вугун кечаси 19—21, эртага кундузи 37—39 даража иссиқ бўлади.

ШУ КУНИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● «Узгиротжирпро» институтининг лойиҳачилари пахтачилик бўйича маши-налар давлат махсус конструкторлик бю-

росининг биносини лойиҳаси устидида иш-ларни ниҳоясига етказди. Бу лойиҳа республикамизда пахтачиликни янада тараққий эттириш, шу соҳа бўйича ил-мий-техника тараққийини жадаллашти-ришга доир режалар доирасида бажари-лади. Бу бино ишлаб чиқариш корху-си ва тажриба базаларидан иборат бўлади.

● Киров районидан 57-билым юрти учун янги бинолар комплексини бунёд этилди. 159-курлиш трести азаматлари бунёд этган бу дароҳқа 1 миллион сўм-дан ортиқ капитал маблағ сарфланди. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда юз-лаб ёшлар техника сирларини иштиёқ

билан ўрнадилар. ● Тошкент тўқимачилик комбинати-нинг Сергели районда жойлашган 16, 15, 21-ётоқхоналарда ёшлар ва студент-ларнинг жаҳон XII фестивалига бағиш-лаб «Салют, фестивал!» учрашуви бў-либ ўтди. Унда аялалқ фестивалларнинг қатнашчиларидан бири З. Б. Турсунова қатнашиб, ёшларга ўша халқонли уч-рашулар ҳақида гапириб берди.

ТОШКЕНТ НАМУНАЛИ ТАРТИБДАГИ ШАҲАР БЎЛСИН

«ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ» ЛОЙИХАСИ — ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ МУҲОКАМАСИДА

Газетанинг шу йил 17 июнь сониди «Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари» лойиҳаси босилган эди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига, «Оқшом» газеталари редакциясига шаҳар аҳолисида таклифлар ва танқидий мулоҳазалар билдирилган кўплаб хатлар келиб турибди.

Газетхонлар шаҳарда тартибни ва санитария

ҳолатини сақлашдаги конкрет қоидабузарларнинг адресларини кўрсатишяпти, шаҳарнинг намунали сақланиши учун мансабдор шахслар ва тошкентликларнинг ўзларининг масъулиятини ошириш юзасидан таклифлар билдиришяпти.

Бугун биз газетхонларнинг бирмунча долзарб муаммолар кўтариб чиқилган айрим хатларидан сатрларни эълон қилмоқдамиз.

- Ҳар бир кишининг бурчи • Топширилган иш учун масъулият оширилсин • Ўзаро талабчан бўлайлик
- Инсон ҳақида ғамхўрлик — муҳим вазифа



БОШ МУХБИРИМИЗ ДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЖАММАГА

ЙЎЛОВЧИ БУРЧИ

Шаҳар транспортга чиққан йўловчининг бурчларидан бири йўл ҳақини ўз вақтида тўлашдир. Мен ҳозир бошқаларни ва давлатни 4—5 тийинга алдашга ўрганиб қолган кишилар ҳақида гапирмоқчи эмасман. Шундай бўлгани, баъзан киши шошиб турган, олдиндан абонемент харид этмаган ёки абонемент сотадиган киоскка ёпиқ турган ҳоллар бўлади. Бундан ташқари баъзилар доим

троллейбусда юришдаи ва бирдан трамвайга ўтиришга тўғри келиб қолади. Абонемент талонлари эса ҳар кил. Зеро, трамвай учун алоҳида, троллейбус ва автобуслар учун алоҳида-алоҳида талонлар бўлиши унчалик қулай эмас. Бунинг учун айрим автобусларда йўл ҳақи 5 тийин бўлса, бошқаларида 10 тийин.

Нима учун бизнинг шаҳримизда ҳам

Москвадаги каби ҳамма транспорт воситаларида юрганлик учун йўл ҳақини — беш тийин қилиш мумкин эмас.

Шундай қилинса, ўйлайманки, пассажирларга ҳам, транспорт ташкилотларига ҳам қулай бўлур эди. Ушбу масала Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетиде муҳокама этилса бўлмасмикан?

О. МИРЗАРАҲМАТОВА,
«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутаты.

Дарахтлар нега қуриб қолмоқда?

Новий путь, кўчамиздан юз метр нарида Корасу ариги оқиб ўтади. Биз Ленин район ижроия комитети ва 17-йойлардан фойдаланиш идорасига ана шу ариқдан сув ўтказиб бериш ҳақи, да бир неча марта муурожаат этдик. Лекин у ерда масалани ҳал этишмади.

Ҳар йили шаҳримизда кўламазорлаштириш ой-

лиги ўтказилиб минглаб ниҳоллар ўтказилади, ёз келиши билан улар сувсизликдан қакраб ноубуд бўла бошлайди. Бизнинг кўчамизда ҳам дарахт кўчатлари ўтказилган эди. Улар ҳам қуриб қолмоқда. 81-йой қарши-сида худди шундай манзарани кўриш мумкин. Кўчамиздаги ариқдан бирон марта сув оқганини кўрмаганимиз. Сувсизликдан кўпплаб дов-

дарахтлар қуриб-қақшаб ноубуд бўлмоқда. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари тўғрисида»ги қарорининг лойиҳасида бизнинг фикримизни инодалайдиган яхши сўзлар ёзилган, «Магистраллар, хиёбонлар, бульварлар, майдонлар ва кўчалардаги майда

иригация тармоқлари бўйича район ижроия комитетларининг ободонлаштириш бошқармаларига, кварталлар оралигида уй-жой ташкилотларига, ҳусусий қурилиш масъулиятларида — маҳалла комитетларига ва уй эгаларига, корхоналар, мактаблар, касалхоналар ва бошқа ташкилотларнинг территорияларида — маъмуриятга юкланади».

Масъулиятни ошириш шаҳримизнинг яшил ли-босини, ариқлардаги сув-ини сақлаб қолиш ва пойтахтимизни боғлар масканига айлантиришда қўл келади. Водопровод қўриқчилари келадиган сув билан ишчи ниҳолларни сугориш инсофдон эмас. Бунга йўл қўймаслигини керак!

И. РУСТАМОВ,
хизматчи.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ

Йил сайин республикамиз пойтахти қиёфаси ўзгариб бормоқда. Замонавий маданий-маиший бинолар, турар жой объектлари кўпплаб бунёд этилмоқда. Сўлим хиёбонлар ва равои кўчалар шаҳар кўригига-кўриқ қўшиб турибди.

СУРАТИЛАРДА: 1. «Халқлар дўстлиги» майдонининг бугунги кўриниши. 2. Янги қад ростлаган архитектура комплекслари. ЎзТАГ ва М. Нуриддинов фотолари.



КУЧ-ҒАЙРАТ САРФЛАНСА...

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, ободонлаштириш ва санитария қоидалари» лойиҳасини шаҳар аҳолиси муҳокама-сига айтиш вақтида чиқарди. Республика пойтахтини намунали сақлашдаги шаҳарга айлантириш учун кўп кўч-ғайрат сарфланмоқда.

Биз ўзимиз истикомат қилаётган Мўйноқ кўчаси ва 4-Мўйноқ проездеи ҳақида сўз юритмоқчимиз. Биз бу ерда ўзимизни дала ўртасидаги ялангликда яшаётган, дек ҳис этамиз. Бу ерда на маршрутли такси келади, «бу

ерда на телефон автоматлар бор. Бу ерда хатто чинқинди ташувчи машиналар кириб ўтмайди. Биз бир неча марта чинқиндилар ташлаш учун ўра навлдик. Лекин ундан узоқ фойдаланиб бўлмайдику. Чинқиндиларни ташиб кетиш учун аҳолидан пул ҳам тўплаб қўриқди. Лекин уйлари. миз ёнидаги чинқиндилар на-майямапти. Фақат бизда шундаймикан?

Истардикки ҳозир кенг муҳокама этилаётган қон-далар шаҳарда тоза-лик ва тартибни йўлга қў-йишда уй-жойлардан фойда-

ланиш участкалари ҳамда «Автодормехбаз»лар ҳодим-ларининг масъулиятини оширадиган.

Яна бир мисол келтирмоқ-чимиз. Уйимиз яқинидан кўр-кам сой ўтади. У ерда яхшиги-на хордик чиқариш мумкин эди, лекин 145-автобазга ун-га ўз чиқиндиларини таш-лайди. Натижада сойдан зи-лол сув ўрнига қорамой оқа-ди.

ҚУЗИЕВ, ЖУРАЕВ, АБ-ДУВАЛИЕВ, ЮСУПОВ ва бошқалар, Мўйноқ кўчасида ва 4-Мўйноқ проездеида яшовчилар.

ТАРТИБНИ САҚЛАШГА ЭЪТИБОР

Шаҳримизда жамоат тартибини намунали сақлашга катта эътибор берилляпти. Бу нарсаси «Қондалар»да ҳам ўз инодасини тошган. Мен лойиҳа билан танишиб қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар кирити-лишини мақсадга мувофиқ деб ҳи-соблайман. Жумладан, биринчи бўлимининг 10-бандида «...гул со-тиш алоҳида ажратилган жойлар-да руҳсат берилади» деган жумла бор. Лекин шаҳарда бирорта жой-да (бозорлардан ташқари) гул со-тиш мумкинлигини билдирувчи лав-ҳа-кўрсаткич йўқ. Демак, қонда-

ларда шундай жойлар кўрсатилса дуруст бўларди.

Шунингдек, жоқоридаги бўли-мининг 12-бандида «жамоат тарти-бининг муҳофазаси қилиш талғи пункт-лари» деб нотўғри ёзилган. Асли-да «тартибни муҳофазаси қилиш жа-моатчилик пунктлари» бўлиши ке-рак.

Шаҳарда жамоат тартибини сақ-лаш ишига милиция ва прокурату-ранинг штатсиз ҳодимлари, кўн-гилли халқ дружиначилари ва ён-гилдан муҳофазаси қилиш назорати-нинг инспекторлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Шу боисдан улар-нинг шаҳар транспортда (такси-дан ташқари) хизмат бурчини ба-жараётганда бепул юришлари кўр-сатилиши керак деб ўйлайман.

Қ. САЪДИЕВ,

Чилонзор райони ички ишлар бўлимининг участка катта инспек-тор, Тошкент шаҳар Советининг депутаты.

Сувни асрайлик

«Тошкент шаҳрида жа-моат тартиби, ободон-лаштириш ва санитария қоидалари тўғрисида»ги пойиҳа ҳақида баъзи бир мулоҳазаларим бор. «Водоканал» трестиде ишлатиш сабабли ҳар кунни водопровод ишига таълуқли бўлган муам-молар билан боғлиқ бўлган масалаларга дуч келаман. Шунинг учун ҳам ана шу ҳақда гапир-моқчиман.

Бизнинг водопровод шаҳобчалари бошқар-масига қарашли 3-ре-монт-эксплуатация це-хилиз Чилонзор, Акмал Икромов ва Октябрь районидаги 600 ми-нинг аҳолига хизмат кўр-сатади. Сув билан таъмин-лаш масаласи бу ерда ёз кунлари анча қийинла-

шади. Шунинг айтиш ке-ракки, шаҳарга берил-ётган сув миқдори бар-ча тошкентликларга ке-ракки миқдорда еткази-лаётган даврда ана шундай ҳол рўй бермоқ-да. Бунинг асосий са-бабларидан бири водо-провод сувининг кўчат-ларни сугоришга иш-латилганидир.

Май ойининг охири ва июнь ойининг бошла-рида худди ўтган йил-даги каби бу йил ҳам турар жой микрорайон-ларида сув қандай сарф қилинаётганини би-лиш учун айландик. Ана шу рейд пайтида аҳоли билан суҳбатлар ўтқа-зилди. Сувдан нотўғри фойдаланаётган қонда-бузларлар аниқланди. Ле-кин бу ҳеч қандай на-тижа бераётгани йўқ.

Кўпплаб ичимлик суви ҳовлиларга сув сепиш, кўчатларни сугориш, экинарларга сув қуйиш учун ишлатилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, трамвайда билет олма-ган йўловчи уч сўм жа-римга тўлайди. Нима учун давлатимизга янада кўп роқ зинн етказётганлар-га нисбатан жазима со-лиқмайди? Нима сабаб-дан озгакки оғохлантри-лади.

Шунинг учун ҳам лойи-ҳанинг тўртинчи банди-да шундай қўшимча ки-ри-тилишини истайман: «Ичимлик сувидан нотў-ғри фойдаланган қонда-бузларларга 50 сўмдан 100 сўмга жазима со-лиқини».

А. ВОЛОСЛОВ,
«Водоканал» трести водопровод шаҳобча-лари бошқармасининг 3-ре-монт-эксплуатация це-ха бошлиғи.

ҲАММАГА ҚУЛАЙ БЎЛСА

«Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, обо-донлаштириш ва сани-тария қоидалари» тўғ-ридаги қарорнинг ло-йиҳасини катта қи-зиқиш билан ўқиб чи-дик. Унда шаҳар ҳаё-тининг барча томони-ни қамраб олганини менга манзур бўлди.

Мен бир масалада ўз таклифини билди-рмоқчиман. Чунки, лойиҳанинг «Енгил таксидан фойдаланиш қоидалари» бўлимида енгил таксисларнинг ҳа-ҳар ташқарисидан қай-си аҳоли пунктларига бориши баён этил-ган. Унда анчагина кўч-чалар ва аҳоли пункт-

лари кўрсатилган. Ле-кин Фаробий кўчаси ҳақида ҳеч нарсаси ай-тилмаган. Ваҳоланки, бу кўча — магистраль йўли бўлиб, «Табнат му-зейи»дан бошланиб «Юбилей» спорт за-ли, Янги ТашМЙ орқа-ли, Халқа йўлга чиқа-ди ва ундан кейин са-бавот, поллиз экинлари ва картошкачилик ил-мий-текириш институ-ти орқали «Ташминов-ди» шифоканасига бо-ради.

Шу илмий-текириш институти ва «Таш-миноводи» шифоканаси-нинг кўпгина ҳодимла-ри шаҳардан қатнаб иш-лашади. Бунинг ус-

тига шу катта йўл ёқа-сида жойлашган аҳо-ли пунктларида яшов-чиларнинг бири қисми шаҳар корхоналарида меҳнат қилади. Шун-дай экан, бошқа пас-сажир транспорт во-ситалари каби енгил такси ҳам Фаробий кў-часи бўйлаб «Ташми-новоди» шифоканасига боришига руҳсат берил-са йўловчиларга қулай бўлур эди. Зеро, бу нарсаси қондаларда ўз аксини топишмоқ керак.

И. ОҚМИРЗАЕВ,
Собир Раҳимов рай-онидиган А. Иброҳимов номли маҳалла коми-тетининг секретари.

• ЛУҚМА

Кўприкдаги ошхона

Кўприк устида ҳам ош-хона бўладими, деб ажабланманг. Шаҳримиз-да шунқаси ҳам бор. Бу ошхона Чилонзор Октебрасида — Октебр-райони билан Чилонзор-ни бири-бирига туташти-рувчи кўприк устида жойлашган. Шу кўприк-дан ўтиб қолсангиз, юз-ларидан мой томиб тур-ган хотин-қизлар «Хиз-матингиздамыз» дейи-шади. Хоним, сомса, куйдирилган мол оёғи, хасип ва ҳоказони бур-нингизга тутиб, макто-вини келтиришади. «Оп-қолинг, еб қолинг» дея-вериб жонингизнигизга қўйишмайди. Жуда бўл-маса чўнтагингизга пис-та-хондон, курт-хўро-қанд солиб қўйгудай бў-лишади. Агар бирор жойга меҳмонга кета-

ётганингизни биллиб қолшса борми, чак-кангизга райхон тақиб, кўприкдаги бир кўчоқ-гул тутқазишди. Ҳа э-ди, хизматларига яраша-ди хизматингизни аямасан-гиз бўлгани! «Кўприкдаги йўлқани «сотувчи» — ошпазлар-га бабл шўрлик йўловчи-лар қайси жойдан у рай-ондан бу райonga ўтиш-и билмишмайди. Зеро, йўлқанда «ошпазлар», қатнов йўлида машина-лар ким ўзарга ўйнайди, —деб ёзади Улуғ Ватан уруши ва меҳнат вете-

рани Х. Раҳмонов. —Бу-нинг устига худди шу жойда Октебр ёки Чи-лонзор райпийшотгоғи ҳодимлари ҳам савдо қилишди. Савдо-сотқ-туғандан кейин кечку-рун бу ерда ахлат уюм-лари қолади. Ёғлиқ қо-ғозлар, кимгадир ёқа-маган сомса ва хоним қолдиқлари устида паш-ша-чинилар гулгон ўй-найдил.

Газетхон Х. Раҳмонов Октебр ва Чилонзор райони санитария-эпиде-миология ҳодимларини кўприкдаги ошхонага ке-либ кетишларини сў-

Таксига чиққан бўлсангиз...

«Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, обо-донлаштириш ва сани-тария қоидалари» ло-йиҳаси муҳокама эти-лаётгани жуда яхши бўлди. Ўйлайманки, бундай муҳокама пай-тида қондаларни янада мукамаллаштириш га оид бир қанча қиммат-ли фикрлар билдири-ладилар, аҳолининг ах-борот доираси кенгай-ди. Демак, шаҳарда тартибни мустаҳкам-лаш ишлари актив-лашади.

Қондаларнинг енгил таксидан фойдаланиш ҳақидаги бандларига ўхшатиб ўтмоқчиман. «Фикрича, ушбу қон-даларни пропаганда қи-лишда, уни тўхтати-ришда ҳайдовчилар кат-та роль ўйнашлари ке-рак.

Бир кунни шаҳримиз-га меҳмонга келган қариндошимни вокзал-да кутиб олдим. 20 минутча таксиде юриш пайтида анча нарсани ҳайдовчидан биллиб ол-дим.

Лекин гап бунда ҳам эмас. Ҳайдовчи бизни элтиб қўйар экан, такси-дан фойдаланиш қои-даларига қатъий риоя этиди. Масалан, у бир йигитни таксига чиқар-мади: унинг кайфи бў-либ, бунинг устига қў-лида икки банка —бў-ёқ ва лак бор эди. «Улар тез ўт олувчи нарсалар», — дед тушун-тирди ҳайдовчи. — Шу сабабли сизни чиқара олмайман: қонда бўйи-ча ман этилади. Электр транспортдан фойда-ланишнинг. Бу мен учун янгилик эди — бу-дай қондан мен бил-мас эдим.

Бу воқеани мен яқинда янги «Қонда-лар» лойиҳаси босил-ган «Оқшом»ни олган-да кутиб олдим. Уни ўқиб, ўзимда ҳам бир қатор таклифлар пайдо бўлди. «Енгил такси-дан фойдаланиш қои-далари»нинг иккинчи бандида шундай дейи-лади: «Бўш такси яшил тирог — орқали аниқланади». Бу ерда янада аниқлик киритил-са дуруст бўлур эди.

12-банднинг «е» бў-лими билан ҳам кели-шиб бўлмайди. Унда ёзилганча: «Такси бе-карга 500 метрдан кам масофа қолганида» ҳайдовчи йўловчилар-ни олиши ман этила-ди. Бундай чекла-нинг нима кераги бор. Тушунб бўлмайди. Ярим километр — қис-қа масофа эмас. Шо-шиб турган — кишинга такси хизматидан фой-даланади. Шундай экан, у истган жойи-да таксини тўхтатиш имкониятига эга бўли-ши керак.

С. ЧИНАЕВ,
В. П. Чинаев номи-даги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бир-лашмасининг фрезер-чиси.

МАШИНАДА ЧЕКИЛМАСИН

Шаҳримизда енгил таксиларнинг кўпайиб бораётганини аҳоли учун қулайлик туғдир-моқда. Айниқса, кў-лингда юнинг билан машинага ўтирмоқчи бўлганингизда рўпаранг-дан кўк чироғини ёқиб, такси машинаси чиқиб қолса янада қувонасан. Аммо машинага ўтир-ганингизда ҳайдовчи чекадиган бўлса-чи? У машинанинг радиопри-ёмини ўрнатилдиган жойига ёзиб қўйилган «Чекиш ман этилади» деган ёзувга ҳеч эъти-бор бермасдан лабидан сигаретани ташла-маса-чи?

«Тошкент шаҳрида жамоат тартиби, обо-

Ҳ. МАЙНОНОВ,
ўқитувчи.

«ҚОШ ҚЎЯМАН» ДЕБ...

Слоним кўчасида ободонлаштириш ва са-қлаш ишлари тўғ-ридаги қарорнинг лойиҳасидаги 8-банди-да яшил ниҳолларни муҳофазаси қилиш тўғ-ри, айриқларни кўмб таш-лашди. Уларнинг ўнг-тескарисига қарамай ҳўжасизларча иш тут-тиш натижасида ариқ-ларимиздан сув оқмай-лаган бўлди. Натижа-да 14 йилдан буён пар-варши қилиб келаёт-ган дов-дарахтларимиз сувсизликдан қақра-моқда.

Бу ҳақда 63-йой-лардан фойдаланиш идорасига муурожаат этавериб чарчадик. Бу идорадан садо чиқма-ди.

Тошкент шаҳар Со-вети ижроия комитети-нинг «Тошкент шаҳри-да жамоат тартиби,

«Яшил дўстларимиз» ҳақида ғамхўрлик қи-лиш ҳаммининг бур-чидир.

Н. ТОЖИЕВА,
ТошДУ студенти.

• МЕХНАТКАШЛАРНИНГ ХОРДИК ЧИҚАРИШИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАЙЛИК

ИСТИРОҲАТ

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ ДАМ ОЛИШЛАРИНИ
ЯХШИЛАШДА БОҒЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

